

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan

№ 150 (7.143). Sotuvda erkin narxda

## Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Марказий банки ҳамда Халқаро валюта жамғармаси миссиясининг қўшма пресс-релизи

Тошкент, 2006 йил 13 декабрь

Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) миссияси 2006 йил 30 ноябрдан 13 декабргача Ўзбекистонда бўлиб, IV моддага мувофиқ маслаҳатлашувлар доирасида Ўзбекистон ҳукумати билан муҳокама ўтказди. Миссияга Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директорининг ўринбосари Сена Экен хоним бошчилик қилди.

Ўзбекистон ҳукумати ва ХВЖ миссияси иштирокидаги муҳокама чоғида 2005-2006 йилларда иқтисодийнинг ривожланиши, 2007 йилга доир истиқболлар ва ўрта муддатли истиқболлар, шунингдек ҳукуматнинг иқтисодий ислохотлар дастури диққат марказида бўлди. Муҳокама ошқора ва амалий руҳда ўтди. Миссия самарали ҳамкорлик учун алоҳида миннатдорлик изхор этди.

Миссия иқтисодий ўсиш ва тўлов балансининг кўрсаткичлари аввалгидай юқори бўлиши прогноз қилинаётганлигини ҳисобга олиб, 2007 йилнинг иқтисодий истиқболлари ижобий бўлиши қайд этилди. Миссия, ҳукумат бундан буён ҳам инфляцияни пасайтириб боришга қаратилган сарф-харажатларни, шу мақсадда пул-кредит сиёсатини қатъийлаштиришни ва пухта ўйланган солиқ-бюджет сиёсати ўтказишни давом эттиради, деб ишонди.

Молиявий барқарорлик шароитида ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш учун, миссиянинг фикрича, иқтисодий сиёсат олдида муваззаф вази-фаларни ҳал этиш лозим, жумладан, инфляцияни пасайтириш, банк тизимини янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган факторларни бартараф этиш ва ташқи савдо доҳасидан тўсқинлик олиб бериш, банкларни уларга хос бўлмаган функциялардан ҳалос этиш, ташқи савдо билан боғлиқ солиқ ва маъмурий тўловларни камайтиришдан иборат. Мазкур тавсиялар ҳукумат томонидан иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида диққат билан қўйилди.

Миссия Халқаро валюта жамғармаси ислохотларини давом эттиришда Ўзбекистонга ёрдам беришга, шу жумладан, техник кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қилди.

Иқтисодий сиёсат соҳасида пухта ўйланган солиқ-бюджет сиёсати олиб бериш, натижада солиқ ставкалари пасайтирилганига қарамай, бюджет профицитига эришилди. Тўлов балансидаги барқарор актив салдо пул-кредит агрегатлари-га таъсир кўрсатиб, пул-кредит сиёсати олдида мураккаб вази-фалар кўйди. Шунга қўра, 2006 йилда Ўзбекистон Марказий банки пул-кредит сиёсатини зарур даражада қатъийлаштирди. Солиқ-бюджет ислохотларида кўзда тутилган ривожланиш билан бир қаторда тузилмавий ислохотларни изчил амалга ошириш давом эттирилди.



Навоий вилоятидаги «Электрхимзавод» ЕАЖ ҚҚга қарашли «КИПИ» цехида чиқитилган маҳсулот олиш йўлга қўйилган. 25 киши фаолияти кўрсатётган ушбу шехда ранг-баранг дизайн асосида турли ўлчамдаги өлим-пластмасса идишлари ишлаб чиқарилаёпти. Флюра Казакова ва цехнинг чаккон ходимларидан бири. У бир сменада 100 донана шундай маҳсулот ишлаб чиқаришга эришмоқда. СУРАТДА: Флюра Казакова.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

## Вақтинг кетди — нақдинг кетди

Бободоҳонларимизнинг кўп йиллик тажрибаларидан шу нарса маълумки, қишлоқ хўжалигида кузги-қишқи ишларга етарлича аҳамият бермай туриб, қўзланган натижаларга эришиш қийин. Узини билган ер эгаси, янги йилда пахтадан, галладан ва бошқа экинлардан мўл ҳосил этиштириб, ўзим ҳам бойийман, эл-юртимни ҳам бойитаман, деган фермер ҳаракатини кузда, қишда қилади. Қишқача айтганда, янги ҳосил замини янни шу кунларда яратилади.

Бугун ер малҳами, ҳосил хамиртируши ҳисобланган маҳаллий ўғит жамғаришини, шўр ювишини, арик-зовурларни тозалаш, мавжуд техникаларни таъмирлаб, мавсумга тахт қилиб қўйишини айна вақти. Шу билан биргаликда, риз-рўзимиз манбаи бўлган галлазорлар парварши-ни бир зум бўлса-да бўшашириш, галла пайкалларини шарбат билан тўйинтириш ҳам шу кеча-кундузда амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вази-фалардан ҳисобланади.

Ҳўш, республикамизда бири-бирдан зарур бу юмушлар қандай боряпти? Мамлакатимизнинг беповен далаларида аҳвол қандай-ю, сафарбарлик қай даражада?

**Бугуннинг гапи**

Фермерлар, ишбоши-раҳбарлар, мутасадди-мутаҳассислар зиммаларидаги бугунги масъулиятларини тўлиқ англаб еттиларими?

Амалга оширилган ишлар таҳлили, олинган маълумотлар ҳар бир вилоят, туман миқёсида декабрь ойида ба-жариллиши керак бўлган ишлар режаси ишлаб чиқилган бўлса-да, айрим жойларда унинг ижроси суёт эканлигини кўрсатмоқда. Баъзи жойларда топшириқлар ижроси-сига — фермерларга, суви ва механизматорларга етказилмаган. Ваҳоланки, барча туманларда бугунги кунда фермер ҳам, суви ҳам келгуси йил ҳосилига замин тайёрламоғи лозим. Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш учун бир жойга йиғиш, эҳтиёт қисмлар захирасини ташкил этиш, молиявий манбаларни аниқлаш, янги техникалар со-тиб олиш, «Кейс» қомбайнла-рини таъмирлаш ишларини бошлаш зарур.

(Давоми 2-бетда)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, жамиятда эзгулик, меҳр-мурувват ва ҳамжиҳатлик, тинчлик ва оқсоқаллик муҳитини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикасида 2007 йил — «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилингани муносабати билан:

1. «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси илова-ва мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) икки ҳафта муддатда «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастури Концепцияси-ни тайёрласин, унда Дастурнинг аниқ бўлишини, аҳолининг ижтимоий муҳофа-засини таъминлаш борасида-ги йўналишлар ва соҳаларни белгиласин.

Бунда қуйидаги масалалар билан боғлиқ вази-фаларни ҳал этишга алоҳида эҳтибор қаратилсин:

- ижтимоий ҳимоя тизимининг самардорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий но-чор қатламларига ёрдам кўр-сатишда табақалашган ҳолда ён-дошунини қўйиштириш мақса-дида ҳуқуқий норма ва қондалар-ни белгилаб берувчи янги қонун ҳужжатлари рўйхатини ишлаб чиқиш;

- амалдаги қонун ҳужжатла-ри ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қуйидагиларни назарда тутган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш бўйича тақлифлар тайёрлаш:

а) аҳоли но-чор қатлам-ларининг турли тоифала-рига, биринчи гада ёлғиз кекса фуқаролар, ноғирон-лар, боқувчисини йўқотган балоғатга етмаган болалар-га кўрсатиладиган ижтимо-ий ёрдам нормалари ва

ставкаларини мақбуллаш-тириш;

б) кексалар ва ноғиронлар уйлари, болалар уйлари-ни ҳамда касалликларга чалинган болалар учун интернатлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун даволаш муассасаларини таъминлашга сарфланадиган миқдорини мақбуллаштириш;

в) 2 ўшга болалари бўлган оналарга, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга маҳал-ла кўмиталари томонидан кўрсатиладиган моддий ёрдам ва ижтимоий нафақалар миқ-дорларини қайта кўриб чиқиш;

- «Меҳрибонлик» уйлари ва маҳсул мақтаб-интернатлар-нинг моддий-техника базаси-ни мустаҳкамлаш, боқувчисиз қолган болаларга эҳтиборни янада кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» инсонпарварлик ширини ҳаётга амалий жорий этилишини таъминлаш;

- аҳолининг но-чор қатламла-рини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини кучайтириш, но-чор оилалар, ноғиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ ва самарали ижтимоий ёрдам кўрсатишини ошириш, уларнинг эҳтиёжла-рини янада тўлиқ қондирили-шини таъминлаш, уларга мод-дий ёрдам ва маънавий мадад кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тад-бирларини амалга оширишда ма-ҳалланинг ролини кучайтириш;

- жисмоний соғлом, маъна-вий бой авлодни шаклланти-риш чора-тадбирларини яна-да кенгайтириш, оналик ва болалик тўғрисида гамжўрлик-ни кучайтириш, «Соғлом она — соғлом бола» ҳаракатини ривожлантириш. Бунда нафа-қат моддий ёрдам билан бо-лиқ, балки мақталарнинг юқори синф ўқувчилари, касб-хунар коллежлари, академик

лицейлар ва олий ўқув юр-тла-ри ёшлари ўртасида тушунти-риш ишлари, турли факульта-тив машғулотларни олиб бо-риш билан боғлиқ бўлган аниқ йўналишлар белгилаб олинсин;

- «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйлари-нинг иж-тимоий хизмат кўрсатиш тизи-ми ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмидан янада тақомиллаштириш;

- ёшларнинг ҳаётий манфа-атларини таъминлаш, улар-нинг қобилияти ва салоҳия-тини юзага чиқариш учун ша-роит яратиш, ёш оилалар мустақил ҳаётга қадам қўй-ишда уларни маънавий ва мод-дий рағбатлантириш йўли билан қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга имтиёзли кредит-лар бериш;

- хурматли фахрийлар ва пенсионерларнинг соғлом ва сермазун ҳаёт кечиртишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ёрдамга муҳтож одам-ларга бегарас ёрдам кўрсатиш жамоатчилик томонидан улар-нинг кенг қўламада эътироф этилиши ва қўллаб-қувватла-нишини таъминлаш.

3. Республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) Қорақалпоғис-тон Республикаси Вази-рлар Кенгаши, вилоятлар ва Тош-кент шаҳар ҳокимликлари, ва-зи-рликлар, идоралар, нодавлат жамоат ташкилотлари билан биргаликда Концепция асоси-да 2007 йилнинг 20 январига-ча «Ижтимоий ҳимоя йили» дав-лат Дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига киритсин.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зимма-сига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2006 йил 12 декабрь

## Шуҳратинг порласин токи бор жаҳон...



Озод юртимизнинг ҳар бир кунини, давлат аҳамияти-га молик расмий йнги ва тадбирларнинг ҳаммаси ягона қўшиқ — Ўзбекистон мадҳияси билан бошланади.

У янграши ҳамон ифтихор ҳисси, улуғ, жўшқин ва самимий туйғулар дилни қамраб олади. 10 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганига ўн тўрт йил тўлди. Шу йиллар мобайнида мадҳиямиз Ватанинг чинакам тизмисолига, юртдошларимизнинг гурури-ифтихорига айланди.

Мадҳия — Ўзбекистон халқ шoirи Абдулла Ори-мадҳияси қабул қилиниши билан боғлиқ хотиралари ҳақида сўзлаб берди.

— Абдулла ака, мадҳия матнини ёзишга киришганин-гизда дилингиздан қандай ўйлар келган?

— Мадҳия жанри дунё халқлари орасида узок даврлардан буён мавжуд. Турли давлатлар ёҳуд ҳарбий қўшинларнинг ўз мадҳияси бўлган. Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришгач, ўз байроғи ва герби қаторида ўз мадҳиясига ҳам эга бўлиши табиий эди. 1992 йилда мустақил республиканинг давлат мадҳияси учун танлов эълон қилинди. Бир неча ижодкорлар қато-рида раҳматли Мутал ака билан биргаликда иштирок этади-ган бўлдим.

(Давоми 4-бетда)

Мавзу

Озодаликда хикмат кўп. Тоза, саришта хона-донда саломатлик бўла-ди, кут-баракат ёғилади бундай рўзгорга. Халқ-мизнинг «Сариштали уй — фариштали уй» мақолида катта маъно мужассам.

Тоза, батариб хонадонга касаллик йўлмайди. Чинидай тоза, гуллар барқ урган ҳовли-да баҳри дилингиз очилади.

Бешинчи қаватда беш дақиқа суҳбат

Ўзбекистон Абдулла Ори-мадҳияси қабул қилиниши билан боғлиқ хотиралари ҳақида сўзлаб берди.

(Давоми 3-бетда)

## Медаллар шодаси кўпаймоқда



Доха — 2006

4

Ўзбек хонадонини йўқки, моли йўқ, «Болаларнинг оғзи оққа тегсин», деб сизир боқма-ган. Маълумотларга қўра, рес-публикамиздаги мавжуд қора-молларнинг ўртача 90 фоиздан оширғоғи хонадонларда экан. Бу йил «Хомийлар ва шифокор-лар йили» Дастури доирасида 28,9 минг кам таъминланган оилага бепул қорамол тарқа-тилганлиги бу хонадонларнинг ҳам «оғзи оққа» етганини кўрсатади.

(Давоми 2-бетда)

## Зиёрат

Истиқлол шарофати билан миллий урф-одат ва анъаналаримиз қатори муқаддас диний қадриятларимиз ҳам қайта тикланди. Нати-жада, юртимиз мусул-монлари ислом динининг барча арконларини, жум-ладан, ҳаж амалларини эмин-эркин бажариш им-конига эга бўлдилар.

Ҳаж сафарига жўнаб кетишди

Буни ҳар йили минглаб юртдошларимиз муқаддас ҳаж амалларини адо этиб ке-лаётганлари ҳам исботлайди. Эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик давлатимиз раҳбари сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Ана шу оқилона сиёсат туйфай-ли Ўзбекистонда йитгирмага яқин конфессия, жумладан, ислом, насроний, яҳудо, ка-толик ва бошқа динлар вакил-лари аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаб, ўзининг диний эътиқод амалларини эмин-эркин адо этиб келмоқдалар.

(Давоми 2-бетда)

## Инсон манфаатига хизмат қилади

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, яъни 1993 йил 3 сентябрида қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Қонуннинг 2000 йил 14 декабрда янги тахрири жорий этилди. Мазкур Қонунга биноан суд амалиётига апелляция инстанцияси татбиқ этилди. Нати-жада, суд ҳатоларини ортиқча сансалорчиликсиз бар-тараф этиш имконияти туғилди. Фуқароларнинг ҳуқуқла-ри эса янада кенгайди.

2000 йил 14 августда Ўзбекистон Республикаси Президен-тининг судларни ихтисослаштиришни назарда тутувчи «Ўзе-бекистон Республика-тақомиллаштириш Фармони судлар-та тузилишига асос бўлди. Фармонга асосан, судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикция судларининг фуқаролик, ҳўжалик ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган алоҳида судларга ажратилиши суд тизими ислохотидаги яна бир жиддий қадам бўлди.

(Давоми 2-бетда)

«Қишлоқ ҳаёти» газетасига 2007 йил учун обуна бўлдингизми?

Газета нашр кўрсаткичи - 144



# Yetti qolimdan bir shingil

## Газода вазият жиддий

Фаластиннинг Газо минтақасида жангарилар ва турли гуруҳлар ўртасида қуролли тўқнашувлар давом этмоқда.

Бундан икки кун аввал минтақада ФАТХ ҳаракати офицерининг уч нафар фарзанди номаълум шахслар томонидан ўлдириб кетилган эди. Шу воқеадан сўнг, ФАТХ жангчилари 6 нафар ХАМАС аъзоларини жиноятда айбоб қўлга олишган. Оқибатда, икки ҳаракат ўртасидаги қарама-қаршиликлар қуролли тўқнашувларга айланиб кетган.

## Пиночет набираси истеъфода

### Мархум Августо Пиночетнинг набираси Пиночет Малинни мудофаа кучлари сафидан четлатилди.

Яқин кунларда генерал унвонини қўлга киритиш арасида турган Малинни бобосининг дафн маросимида сўзлаган нутқи туфайли истеъфода чиқиб кетган бўлди.

У маросимда Августо Пиночетнинг ҳукумат тепасига келишига сабаб бўлган 1973 йилги қонли ҳарбий тўнтаршини оқлади ва бобосининг инсониятга қарши жиноят содир этишда айблаган судьяларни танқид қилди.

## Саддам Хусайн тақдири

### Ироқнинг собиқ раҳбари Саддам Хусайн апелляция суд якунига етиши биланоқ қатл этилади.

Мамлакат бош вазири Нури ал-Маликий шу ҳақда маълум қилди. Саддам адвокатлари талабига биноан, собиқ раҳбар даъволари ўн кун ичунда — 2006 йил якунига қадар қўриб чиқилгани бўлди.

Айрим хабарларга кўра, Саддам Хусайн қатл этилган, унинг жасади номаълум жойга қўйилиши режалаштирилган.

## Бош котибнинг сўнгги нутқи

### БМТ бош котиби Кофи Аннан АҚШнинг Миссури штатидаги президент Трумен кутубхонасида фаолиятидаги якуний нутқини сўзлади.

Аннан нутқ сўзлар экан, АҚШ маъмуриятининг ташқи сийосатида танқидий муносабатлар билдирди. Бош котиб сўзларига кўра, Америка бошқа давлатлар билан яқиндан иш юритиши ҳамда ўз гоё ва мақсадларидан оғмаслиги лозим. Шунингдек, Аннан АҚШ маъмурияти "терроризмга қарши уруш" олиб бораётган жойларда инсон ҳуқуқларини поймол этаётганини танқид остига олди.

## Қишлоқ ўқувчиларига энгиллик

### Хитой қишлоқларида таълим олаётган мактаб ўқувчилари энгилликда бепул ўқиш имкониятини қўлга киритади.

"Чайна Дейли" газетасининг ёзишича, бу ҳукумат томонидан деҳқонлар зиммасига тушаётган молиявий юкни энгиллаштириш ва деҳқончиликка асосланган туманларни ривожлантириш йўлида қўллаб-қувватлаган чоралардир. Хитойда олти ешдан ўн беш ёшгача бўлган болаларнинг бепул ўқитилиши кўнунда қўрсатилган бўлса-да, маҳаллий мактаблар ота-оналардан таълим эhtiбжи учун пул талаб этишди.

## Ольмерт нима деди?

### Исроил давлати ядровий қуролларга эгалик қилади.

Дунёнинг ақсарият таҳлилчиларининг бундай хулосага келишларига Исроил бош вазири Эхуд Ольмертнинг немис телеканалларида биринчи бўлиб сўзлаган нутқи сабаб бўлмоқда.

## Швецияда иссиқ қиш

### Швецияда қутилмаганда иссиб кетган об-ҳаво сув тошқинларига сабаб бўлмоқда.

Тоғлардаги қорларнинг эриши оқибатида мамлакат фарбидда дарё ва кўллар сувлари кўтарилиб кетган. Сув тошқинлари оқибатида айрим ҳудудлардаги автомобил ва темир йўли ҳаракати тўхтаб қолган.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

# Вақтинг кетди — нақдинг кетди

## (Боши 1-бетда)

Урганишлар шунинг кўрсатадики, бошқоқли дон экинларининг ривожланишидан орқанда қолган майдонларида зўлик билан қўшимча агротехник тадбирларни ўтказиш, бундай пайкалларни озиклантириш, шарбат билан суғориш, чиргани гўнг чиқариш борасида кўрсатма ва тавсиялар беришган эса-да, бир қатор туманларда бу иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Умуман, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Фарғона ва Наманган вилоятларида, республикамизнинг аксарият туманларида маҳаллий ўғит жамағариш ишларида етарлича эътибор берилмапти.

Маҳаллий ўғит жамағариш ва уни далага солиш бўйича дон қорхоналари, пахта заводлари, ёғ қорхоналари, ветеринария ва СЭС идоралари, табиати муҳофазаси қилиш бошқармалари раҳбарлари зиммасига масъулият юклатилган бўлса-да, улар бу муҳим иш билан етарлича шугулланмаётганлар.

Бугунги кунда қузғи-қишиқ ирригация ва мелiorация ишларини амалга оширишнинг айна вақти. Бу ишларни кечроқ қилмас, узлуксиз баҳариш учун барча шароитлар мавжуд. Ишнинг кўзини билган фермерлар ҳеч қандай топшириқ кутмасдан бу ишларни обитобиде, маромда олиб бораётганлари кишини қувонтиради.

Лекин, бир қатор вилоятлар ва туманлар, ҳавза бошқармаларининг мутасадди раҳбарлари, фермерлар ҳар хил баҳоналар билан ерни тайёрлаш, шўр ювиш, суғориш тармоқлари ва ариқларни тозалаш, гидроиншоотларни таъмирлаш ишларини ўз холига ташлаб қўйганликлари ҳам сир эмас.

Қашқадарё, Андижон, Фарғона ва Хоразм вилоятларида ерларни шўр ювишга тайёрлашда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Ана шу вилоятларнинг аксарият туманларида ханузгача шўр ювишга киришилмаганлигини ҳеч нар-

са билан оқлаб бўлмайди. Шўр ювишнинг кечикиши бу — экиннинг кечикиши эканлигини унутмаслик зарур.

Бир қатор вилоятларда ариқ-зовурларни тозалашда мавжуд экскаваторлар қувватидан етарлича фойдаланилмапти. Айрим туманларда қузғи шудорлаш ишлари сифатида етарлича эътибор берилмаган.

Баҳорги экиш мавсумига қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш

ишлари ҳам қониксарсиз борапти. Баъзи туманларда, ҳатто, культиваторларни таъмирлаш учун машина-трактор паркларига тўла йилгилмаган. Экин ва йилғиб-териб олиш техникаларини таъмирлаш ишлари ҳам суст олиб борилапти.

Жойларда пахта тайёрлаш бўйича шартномани баҳармаган фермер хўжалиқларидан маблағларни ундириш, ширкат хўжалиқларини фермер хўжалиқларига айлантириш бошланган бўлса-да, бу ишларнинг бориши талабга жавоб бермайди.

Халқимизнинг яхши бир нақли бор: "Вақтинг кетди — нақдинг кетди", дейишди. Ҳозир эса келгуси йил мўл ҳосилга эришишнинг айна вақти. Шу кунларда дала ишларини бутун чоралар билан қўчайтириш, маҳаллий ўғит жамағариш, ғаллазорларни қўшимча озиклантириш, камида бир марта шарбат суви оқишиш, шўр ювиш, ариқ-зовурларни тартибга келтириш, мавжуд техника воситаларини сифатли таъмирлаш, тахт қилиб қўйиш ишларини тезкорлик билан, аниқ график асосида олиб бориш, бу ишларда сафарбарликни, қатъий интизом ва талабчанликни бир зум бўлса-да, бўшаширмайлик зарур.

Бу ўринда оддий деҳқондан тортиб масъул лавозимда ўтирган раҳбаргача қиш фасли иш фасли эканлигини ва бунда ўзларининг фидойилиги, ташкилотчилиги, ташаббускорлиги ҳамда ҳисоб-китобни тўғри олиб бориши нақадар зарурлигини қалбдан ҳис этишлари, айниқса, муҳим.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

## СУРХОНДАРЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

### Яна бир коллеж

Шеробод туманида замонавий агросаноат касб-хўнар коллежи фойдаланишга топширилди.

Маълумки, аҳолига сифатли, витаминларга бой озиқ-овқат маҳсулотларини еттиштириш, уларни қайта ишлаш бўйича етук кадрлар тайёрлаш жуда муҳим. Бу ерда ихтисослашган 8 та йўналиш бўйича 900 нафар ўқувчи билан берилди. Ҳозирда уларга 40 нафар ўқитувчи ва мутахассислар хўнар ўргатмоқда. Ешлар коллежининг ўзида амалий дарс ўқатади. Чунки ўқув давомида Польша давлати гранти асосида минизавод қурилмоқда. Бундан ташқари, коллежининг 30 гектарлик дала майдонида пахта ва ғалла етиштирилади.

### Ишга кирмоқчимисиз, марҳамат!

Термиз туманида бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Унда 25 та қорхона ва ташкилотлар 200 га яқин бўш иш ўринлари билан қатнашди. Тадбир туфайли 30 га яқин мутахассислар иш билан таъминланди. Бўш иш ўринлари ярмаркаси вилоятнинг барча туманларида доимий ўтказиб борилмақда.

### Саломатлик поезде

Вилоятнинг экологик ҳийин ҳудудидаги Ўзун ва Сарносик туманларига саломатлик поезде этиб келди.

У туманлар аҳолисига 10 миллион сўмлик дори-дармон, санитария-гигиена маҳсулотлари, кийим-кечаклардан иборат инсонпарварлик ёрдами келтириди. Саломатлик поезде келган 14 нафар етук тиббий мутахассислари икки туман аҳолисини тиббий қуриқдан ўтказди. Касалликларнинг олдини олиш, беморларга бевосита ва тўғри ташхис қўйиш, уларга тиббий ёрдам кўрсатиш саломатлик поедининг асосий мақсадидир.

М.ОЛМУРОДОВ

# Ҳаж сафарига жўнаб кетишди

## (Боши 1-бетда)

Истиқлолгача Ўзбекистон фуқаролари ҳаж зиёратига боришни оруз қилишлари мумкин эди, ҳолос. Ўзбекистон Мусулмонлар идорасидан маълум қилишларича, ҳар йили беш мингдан ошқ юртдошимиз бундай муборак сафарга бориб келмоқда. Бунинг учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Бу йил муборак ҳаж сафарига отланган ватандошларимизнинг дастлабки гуруҳи 14 декабрь кунини эрталаб Тошкентдан Саудия Арабистонига жўнаб кетди.

Истиқлол туфайли минглаб ватандошларимиз каби мен ҳам муборак ҳаж амали-

ни адо этиш шарафига муяссар бўлаётганимдан жуда бахтиёрман, — дейди Бухоро вилояти Қорақўл туманидан зиёратга йўл олган Бехбуд Жумаев. — Юртимизда эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик муҳити ҳужумкорлигини бутун дунё кўриб турибди. Бунинг учун Юртбошимиздан беҳад миннатдоримиз.

Ватандошларимиз муборак ҳаж амалини адо этиш асосида мамлакатимиз тинчлик-осойишталиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган хайрли ишларга Яратганининг ўзи мадад беришини сўраб дуо қилади.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

# Инсон манфаатига хизмат қилади

## (Боши 1-бетда)

Суд тизимининг бу тарзда такомиллашуви фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояси кафолатланишини янада қўжайтириш, судларга ишларни ўз вақтида сифатли қўриб чиқишига имконият яратди, судлар томонидан илгарти йўл қўйилган ҳаттолар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига сабаб бўладиган омилларни бартараф қилди.

Суд соҳасида қилинган энг катта ютуқлардан бири бу — 2001 йил августда қабул қилинган "Жиний жазоларни либераллаштириш тўғрисида"ги Қонун бўлди, десак асло муболага эмас. Чунки бу орқали Ўзбекистонда суд соҳасини эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг янги имкониятини юзасга келди.

2001 йилнинг октябри ойида Иккинчи қақриқ Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида қабул қилинган "Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ва маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Прокуратура тўғрисида" янги тахирдаги ҳамда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар

ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди. Ушбу қонунлар суд-ҳуқуқ ислохотларини амалга ошириш, демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жаҳмияти қуришининг замонавий стратегиясини шакллантиришга яна бир поғонага кўтарди. Дунё миқёсидаги етук мутахассис-экспертларнинг эътирофича, жиний жазоларни бу қадар инсонийлаштириш жаҳоннинг ривожланган демократик давлатларида ҳам қузалимаган.

Шунингдек, 2001 йилнинг 24 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш комиссияси тўғрисида"ги Фармони ва унга илова қилинган Низомнинг амалиётга татбиқ этилиши комиссияга бирламчи вазифаларни юклди.

Мазкур Фармонда масаланинг эътиборга лойиқ, ижобий, туб ўзгаришлар амалга оширилиши кўзда тутилиб, авваламбор, судьяларнинг бевосита Президентимиз томонидан тайинланиши суд ҳокимияти нуфузини ошиши, судьяларнинг маҳаллий ҳокимият, сиёсий партиялар ва мансабдор шахсларнинг таъсиридан холи бўлишига шариот яратиб берилиши

каби аҳамиятга молик жиҳатлари эътиборга олинган.

Юртбошимиз Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисидаги мазкур замида "Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала — бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир", деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, жазолаш тизимидаги мазкур муаммо ҳозирда дунёнинг кўпгина мамлакатларида ҳал этилган масалалардан биридир. Шунинг учун ҳам 2005 йилнинг 1 августда Президентимиз ташаббуси билан "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармон эълон қилинди.

Нихот 2005 йилнинг 8 августда Президентимизнинг "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"ги Фармони инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги навбатдаги дадил қадам бўлди. Чунки, мазкур Фармонга биноан, 2008 йилнинг 1 январидан эътиборан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судлар ваколатига ўтказиш ташкилланган. Демак, шу фурсатда қамоққа олишга санкция



# Диққат танлов!

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрлар орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, аҳолининг барча қатламлари орасида мамлакат Асосий қонунининг ўрганилиши жараёни мунтазам равишда ёритиб борилишини таъминлаш ҳамда журналистларнинг бу борадаги профессионал маҳорати, ижодий фаолиятини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида «Менинг Конституциям» танловини эълон қилади.

Танлов қўйидаги номинациялар бўйича ўтказилади: - энг яхши таҳлилий материал (мақола, очерк, репортаж); - энг яхши интервью; - энг яхши фоторепортаж.

## ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танловга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳияти, унда фуқаролар учун белгилаб берилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, уларнинг амалдаги ижроси чуқур таҳлил қилинган, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида Асосий қонунини ўрганиш борасида амалга оширилаётган жараёнлар кенг ёритилган, бу йўлда дуч келинаётган муаммолар таҳлилий ва танқидий рўхда кўтариб чиқилган материаллар, фоторепортажлар тақдим этилади.

Тақдим этилган материаллар ўзбек ёши рус тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга санд) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликларида танлов учун махсус ташкил этилган «Менинг Конституциям» танловига рухсатдан танлов матбуотда эълон қилинган кундан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

## ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

Танлов аънаваний бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни арасида эълон қилинади ва бир йил давом этади. Танлов голиблари келгуси йил Конституция байрами арасида аниқланиб, тақдирланади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, идора ва муассасалар вакилларидан иборат нуфузли ҳайъат томонидан қўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

## ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР

Ҳар бир номинация бўйича танлов голиблари Фонд томонидан таъсис этилган диплом ва қимматбахор совғалар билан тақдирланадилар.

Материаллар ва уларга ҳисобот кўринишидаги маълумотлар «Менинг Конституциям» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2007 йил 20 ноябрга қадар қўйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри — 700129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон\ факс: 144-12-51, 144-16-15 www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpак.uz

Ташкилий қўмита

## Дехқонларимиз етиштирган мева ва сабзавотлар мавсуми давомида дастурхонимиз тўқинлигини таъминлайди.

Қаҳратон қиш ва баҳор ойларида бу меваларнинг дастурхонимизни беэзаб туришида қайта ишлаш қорхоналарининг эҳтизоти катта. Денов туманидаги "Лочин" фермер хўжалигида худди шундай иш йўлга қўйилган. Мева-сабзавотларни консервалаш цехининг сифатли маҳсулотлари мижозларга маъқул келмоқда.

СУРАТДА: консервалаш цехи ишчилари Файрат Тошев ва Соҳида Юсупова.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

## Бухоро томонларида

### Марказ танлов

#### Ўтказди

"Истикболли авлод" вилоят ёшлар ахборот-маърифат маркази журналистлар ўртасида "Миллат шаъни" мавзудида танлов эълон қилган.

Ноқонуний миграция, хотин-қизлар ҳаёти билан боғлиқ нохуш ҳолатлар, хорижга чиқиш борасидаги тартиб ва қонунлар ижроси масалаларини ёритиш танловнинг асосий шарти эди. Мавкур мавзунини газета, радио ҳамда телевидение орқали кенг ёритган бир гуруҳ журналистлар танлов голиблари сифатида марказнинг пул мукофотлари билан тақдирландилар.

### Жондорда спорт

#### Мажмуаси

Жондор тумани "Жамият" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фойдаланишга топширилган "Истиқлол" болалар спорт мажмуаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллиги шодийнасига улашиб кетди.

Болалар спортини ривожлантириш жамағатини вилоят филиали ҳамда ҳоимийлар маблағи ҳисобига барпо этилган қўрқам масканда спортнинг 17 та тури билан кишини-ёзини шугулланиш имконияти бор. Спорт мажмуасининг кулай ёрда барпо этилгани шу яқин атрофдаги тўртта қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи ўғил-қизларнинг спорт билан шугулланишларига имконият яратди.

### Театрнинг янги йил совғаси

Садриддин Айний номидаги вилоят мусика драма театрида Ҳамид Олимжоннинг "Семур" поэмаси асосида янги сахна асари яратилди.

Режиссёр Бўрон Ақобиров сахналаштирган бу томоша янги-та янги билан эътиборни ўзига тортади. Мазкур сахна асари театр жамоасининг Янги йил олдидан болаларга аталган совғаси бўлди.

### Истам ИБРОХИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

# Дардингни олай, она табиат!

(Давоми. Боши газетамизнинг 145-сонидан)  
**Онага дахл қилмайдилар**

Мамлакатимиз муқталикка эришган, атроф-муҳитни, хайвонот ва ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Жумладан, 1992 йил 9 декабрда "Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида", 1993 йил 7 майда "Алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тўғрисида" ва, нихоят, 1997 йилнинг 26 декабрда "Ўсимликлар дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди. Бу қонунлар мамлакатимиз ҳудудларидаги ўсимлик турларини сақлаб қолиш, уни асраб-авайлаш ва муҳофаза қилишни таъминловчи муҳим дастурий ҳужжат ҳисобланади. Ушбу қонунлар ўз олдига табиий шароитда ўсадиган наботот дунёсини, шунингдек, тақдор етиштириш ва генетик фондини сақлаш учун экзотик ўсимликларнинг ёввойи ўсимликларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги ишларни тартибга солишни асосий мақсад қилиб қўйган.



Ваҳоланки, тоғ ўрмонларининг 90 фоизини арчазорлар ташкил этади. Ана шу арчазорларнинг муҳофаза этиш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Афсуски, арчазорларимиз йил сайин қисқариб бормоқда.

Инсон боласи боғу роғлар яратишга орузманд. Аммо баъзи қимсаларнинг эътиборсизлиги, қалта фикрлаши туфайли кўплаб кўркам дарактлар кесилиб, асрий наботот намуналаридан ажралиб қолмақда. Ахир, бир дарактнинг униб-ўсиши учун озмина вақт керакми? Мутахассисларнинг маълумотларига асосланган бўлсақ, Нурота тоғларидаги сервикор, доимо яшилликка соғланган кўркам арчалар 600-

автомобиль гилдирак кунгурасини олиш мумкин. 1 метр куб тоғ-терак ёғочидан 1 миллиондан ортиқ гурут чўпи ёки 300 килограмм картон олинади.

Бизда арча ниҳолларини ўтказиб, "яшил хазина"ни кўпайтиришга имкониятлар етарли. Гўзал Чотқоннинг тоғ ёнбағирларига кўплаб арчалар экилса, яна бир фараҳбахш омилга эга бўламиз. Арчазорларнинг бир гектари ўзидан 5 килограмм, кенг баргли ўрмон дарактлари эса 2 килограмм фитонцид (касаллик кўзгатувчи бактерияларга қирон келтирувчи табиий омил) ишлаб чиқаради. Кўрииб турибдики, арчаларни асраш, бу ажойиб дарактнинг кўпайтириш ҳам муҳим вазифаларимиздан бири.

## "Биздан озод ва обод Вақтин қолсин" танловига

700 йилда атиги 12-13 метр ўсади. Ачинарлики шуки, ана шундай секин ўсадиган арчаларни маҳаллий аҳоли, шунингдек, тоғ сайлига чиқувчи айрим "табиат шайдолари" кўплаб нобуд қилмоқда. Нурота, Зарафшон, Туркистон ва Хисор тоғларида бир вақтлар қалин ўрмон бўлиб ётган сарабўй арчалар эндиликда ачинарли ҳолга тушиб қолган.

Маҳаллий аҳоли арчаларни базан қуриш мақсадларида, айрим дасту узун бойвачалар қошона уйларини безашда фойдаланаётган бўлса, ҳали газ етиб бормаган баъзи жойларда эса маҳаллий аҳоли мавжуд дов-дарактларни ўтин сифатида ишлатмоқда. Сервикор ёнқорларни "тартибга келтириш" баҳонаси билан қирқилиб, сайқал саҳл (паркет) учун ишлатиш ҳолати учрамоқда.

Ўзбекистон наботот оламида йўқлиб кетиш ҳавфи остида турган ўсимликларнинг 163 тури "Қизил китоб"нинг 1984 йилги нашрига киритилган бўлса, кейинги йилларда олиб борилган изланишлар ўлкамиз флорасидан яна 138 ўсимлик намунаси (1) бу китобга киритилиши лозимлигини кўрсатди. Шундай қилиб, "Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби"нинг 1998 йилги нашрида ўсимлик турларининг сони 301 тага етган.

Умуман олганда, табиат эҳсонларига нисбатан шафқатли, мурувватли бўлиш лозим. Табиий ҳолда ўсаётган ўсимликлар ҳаммага олинган ҳудудларда чорва молларини боқиб, пичан йиғиш, табиат ошуфталари учун кўнимхоналар қуриш оёқ табиати кўйратилиши бошқа нарса эмас.

Австралиянинг Перта шаҳри атрофидаги ўрмонда "Кенгуру қафти", деб аталадиган жуда чиройли ўсимлик ўсади. Ушбу антика гўёҳни узишга ҳеч қим ботинолмайди. Чунки, уни қимда-қим узадиган бўлса, 200 доллар жарима тўлайди. Мана шундай қатъий чора туфайли бу нобў ўсимлик йил сайин кўпайиб бормоқда.

Она табиатнинг биз учун яратган нэматлари, ҳаётбахш омиллари бисёр бўлса-да, унинг ҳам ўз дарди, ташвишлари бор. Фақат табиат буюли "огиз жұфтаб" ҳасрат қилолмайди. Биз она табиатимизни тинглай билмоғимиз, уни эъзозлашимиз, кўз қорачиғидек асрашимиз даркор. Табиат аҳдоқларимиздан мерос қилиб олган эканмиз, уни шундайлигича яна келгуси авлодларга тошпиришимиз керак.

Урни келганда шуни эслатиб ўтамиз: бир метр куб ёғоч қимёвий усул билан қайта ишланганда, ундан 200 килограмм целлюлоза ёки 200 килограмм ёзув қроғози, 220 килограмм оқватта ишлатиладиган глюкоза ёхуд 6000 квадрат метр целлофан, 5-6 литр ёғоч спирти, 20 литр сирка кислотаси ёки 70 литр вон спирти, 4000 жұфт монок пайпоқ ёхуд 180 жұфт қалиш ва 2 та

Манзиллими: Тошкент ш., Братислова кўч., 11. Тел.: 361-40-33, 361-40-90. Факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Маннон НАБИЕВ

### (Боши 1-бетда)

Албатта, моли бор хонадонда гўнг ҳам бўлади. Бу эса саришталанинг бир кўриниши – молхона тозаллигига эътибор бериш кераклигини аниқлатади.

– Бу хонадонлардан ветеринария-санитария қондаларига риоя қилиш талаб этилади, – дейди Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати Департаменти бошлиғи Саидмурод Саидалиев. – Оддий қондаларга эътибор берилмас экан, бу ҳовлидан қўланса хид анқийди, турли хил ҳашаротлар кўпаяди. Бу эса ҳар хил касалликлару хасталикларнинг урчишига сабаб бўлиши мумкин. Унинг олдини олиш эса оддий – молхонани кўнига тозалаш, ҳосил бўлган гўнгни махсус чуқур-

тиб олишга қўлимиз қалта эди. Ховлимиз саришта, даламиз обод бўлди. Кўшчилар, қолверса, маҳалла раҳмат айтиди. Ушанда гўннинг яна бир хосиятини билганман, агар гўнг ҳисобидан олиннадиган ҳосилни 100 фоиз десам, унинг 20-40 фоизи биринчи йилги экиндан, қолган 60-80 фоизи келгуси йиллардаги экиндан олинар экан. Иккинчи йил ҳосилимиз янада ошди. Ҳозир ҳам далага гўнг чиқаряпмиз. Ахир маҳаллий ўғитни сотиб олмасак, фойдаси катта бўлса, нега уни далага солмайлик. Иккинчидан, ховлимиз саранжом-саришта бўлади.

Демак, бу хайри ишнинг икки омилини кўриб чиқдик. Бири соғлиқ бўлса, иккинчиси далага дармон манбаи. Икки жиҳати ҳам катта манфаат келтиради.

## Сариштали ўй - фариштали ўй

чага ташлаб, тупроқ билан кўмиб борилса, қифоя.

Юқорида айтганларимиз саломатлик омилларида бири. Энди кўт-барақа ҳуқуқидан сўз юритадиган бўлсак, гўнг-маҳаллий ўғит, у ер ҳосилдорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, 20 тонна чала чириган гўнг таркибиде 0,3 тонна аммиакли селитра, 0,25 тонна оддий суперфосфат ва 0,2 тонна калий хлоридга тенг озиқ моддалар бор экан. Айниқса, кўзги шудгор олдидан ерни гўнг билан бойитиш жуда яхши самара бериши исботланган.

Ер қадрини англаган деҳқону масъуллар аллақачон тадбир тадоригини кўришган, ишга киришган. Лекин айрим жойлардаги бефарқлик, лоқайдлик, ўзибуларчилик ҳолатлари эртанги ҳосилга катта ташвиш туғдирмоқда. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, Сирдарё, Фарғона, Жиззах, Наманган, Тошкент ва Андижон вилоятларида маҳаллий ўғит жамғаришда аҳвол қоникарас. Баъзи жойларда эса компост тайёрлаш ва мавжуд галла майдонларини "гўнг шарбати" бериб сугоришга умуман эътибор қаратилмаётир. Маҳаллий ўғит берилмаган, шарбат суви билан сугорилмаган ерлардан юқори ҳосил олишга қим қофалат бера олади?! Гўнг хосиятларидан бири ерни иссиқ сақлашда. Демак, гўнг берилган ер эрта тобга келади, ниҳол барвақ унади, тез ўсади. Бу билан йтмоқчи бўлганимиз шуки, эртага ҳосил "чўчи" ласт бўлганда, айбни табиатга ағдариб, "Йил яхши келмади" деб ҳам ўзимизни, ҳам бошқаларни алдидан фойда йўқ!

Яна бир маълумот: гўнг тупроқ шўрини ювишда катта аҳамиятга эга. Айни дамда деҳқонларимиз шўр ювишга киришганлар. Шудгорлашдан олдин ерга солинган гўнг ернинг нам ўтказувчанлигини оширади, натижада тузаларини ювилиши тезлашади. Демак, сувни иқтисод қилишда ҳам гўнгнинг аҳамият катта. Ҳар гектар майдонга 20 тонна мқдорда гўнг солинганда кейин тупроқ шўри ювилса, 6-7 центнер атрофида қўшимча ҳосил етиштириш мумкин экан.

Бу элга кўт-барақа, деганидир. Қашқадарёлик фермер Саид Жалилов бу ҳақда шундай дейди:

Мавжуд камчиликларнинг яна бир томони ташаббус йўқлигидир. Жойлардаги Ветеринария бошқармалари, СЭС идоралари, Табиати муҳофаза қилиш ва маҳалла кўмиталари ташаббусни кўлга олсалар, яхши бўларди. Бугун озодлик ва кўт-барақа омилини аҳолига, фермерга тушунтириш, шу асосда амалий ишлар олиб бориш зарур. Ана шундай қилганимизда, ҳам хонадонларимиз сариштали, ҳам далаларимиз дармонли бўлади, юртга ризқ, файзи барокот ёғилади.

Анвар ҚУЛМУРОВОД

**МИНСК** **БЕЛАРУС**

### ТРАКТОР ЗАВОДИ

Ўзбекистон Республикасидаги расмий дилери орқали

## МТЗ "Беларус"

ТРАКТОРЛАРИ МИНИ ТЕХНИКА

Ва улар учун эҳтиёт қисмларни тақриф этади.

Манзиллими: Тошкент ш., Братислова кўч., 11. Тел.: 361-40-33, 361-40-90. Факс: 152-73-81. Сайт: www.uzkam.com

Маннон НАБИЕВ

### Таҷриба

## Сомонни ширдонда сақлаш

Тоғликлар одатда сомонни бир неча йил ширдонда сақлайдилар. Ҳўш, ширдон қандай ясалди? Тўдалар уюлган майдда сомон гарам айлана ҳолга келтирилгач, этак қисмидан бошлаб ердан кўпорилган чимлар билан қопланади.

Сомон уюми чимлар билан қоплангач, қубба ёки тўнтарилган қозон шаклга, яъни ширдон кўринишига келади. Чим устига тўкилган тупроқ ёмғирлар туфайли қотиб, ҳавони ўтказмайди ва сомон яхши ҳолатда сақланади. Чим бўлмаган ҳолларда ширдонлар яхши қорилган лой билан сувалади. Епишқоқ лой билан сувалган ширдонларда сомон бир неча йил бузилмасдан сақланиши мумкин.

Ширдонларда сақланган сомон мутлақ чиримайди ва чорва озуқаси қамеблаган йиллар жуда кўл келади. Октовга таштаган қирларда лалми бугдой эқадиган кишиларнинг айримлари ҳозиргача сомонни ширдонда сақлайдилар. Биз Хатирчи туманидаги Октепа қишлоғида истиқомат қилувчи кишилардан чорва озуқасини ширдонларда сақлашнинг афзаллигини ўргандик. Қишлоқ оқсоқоли Абдумурод Уроловнинг таъкидлашича, 3-4 тонна сомон жамғариладиган ширдонларни қирларнинг тепа қисмида яшас мақсадга мувофиқ. Чунки, тинимсиз ёгингарчиликлар пайти ёмғирлар тўхтовсиз ширдоннинг чор тарафидан паства оқиб кетаверилади. Демак, ширдонлар арзон қурилиш ва чорва емишини сифатли сақлаши туфайли ҳаммага манзур бўлса керак.

**Баҳридин САДРИДИНОВ, Навоий вилояти.**

Утерьянний аттестат о польном среднем образовании серии АУ № 271360, выданный 1993 году средней школы № 10 г. Янгйабада Ташкентской обл. на имя Маньякова Святослава Юсуповича, считать действительным.

ООО "BOSHOURILISH-SUPTAR" соошбаат об умөншенини Уставного фонда с 38 000 000 сум на 7 035 098 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: (371) 279-92-11.

# "Тут парвонаси"нинг пайи қирқилсин

Ипак курти фақатгина тут барги билан боқилган боис пиллаччилик истикболи тутчилик, тутларнинг махсуддорлиги билан узвий боғланган. Бирок, сўнгги йилларда "тут парвонаси", деб аталмиш зарарли хашарот тут дарактларини шикастламоқда.

Маълумотлар умумлаштирилганда, республикамиздаги 60 миллион тут тути бу зараркунанда зарарлантири. Бошқача айтганда, Сурхондарё, Қашқадарё, водий минтақаси ҳамда Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларининг кўп қисмида тарқалган хашарот давтидан 30-35 фоиз барг бой берилмоқда. Охир-оқибат пиллаччиликка пурту етпапти. Масалан, жорий йилда ҳам кўпгина жойларда барг кушандасига қарши етарлики курашилмаганлиги, баъзида маблағ ва ҳимоя воситаларининг етишмаганлиги сабабли, тутларга жиддий зарар етказган хашарот қишлоғга кетди. Ачинарлики, тут парвонаси етук кўрт шаклида даракт говакларига ҳамда пўстлоқлар остида қишлар бўлиб, унча-мунча совуқни "қўрдим", деймади.

Ҳўш, нима қилмоқ керак? Барг кушандасини қандай даф этиш мумкин? Тут парвонасининг табиий кушандалари мавжуд, ҳатто, биолоботорияларда кўпайтирилган трихограма, бракон ҳам уни йўқотишга хизмат қилади. Аммо, зараркунанданинг кўпайиш тезлиги жуда юқори бўлганлиги боис, бу усул тутилган самарани бермайди. Келгуси, 2007 йилда ҳам тут парвонасининг ривожланиши одатдагидек апрель-май ойлариде бошланади. Мазкур давр тут новдаларининг кесилишига тўғри келгани туфайли, кўртлар барг билан бирга пиллахоналарга олиб борилиши мумкин. Бу бир томондан, зараркунанданинг даладаги сонини қамайтиришга қаратилган чора бўлса, иккинчи тарафдан пиллаччиликдан масъулият талаб қилади.

Илмий тавсиялар бўйича тут парвонасига қарши курашда ташкилий-ҳўжалик тадбирлари ҳамда агротехника, биологик ва кимёвий кураш усулларини ишлатиш лозим қўрилади. Шуларнинг бирортасига аҳамият-

сиз қаралса, кураш самараси унчалик сезилмайди. Тут парвонасининг кўпайиш тезлиги жуда юқори бўлгани ҳамда унинг кўртлари кўпичина очик ҳаёт кечиргани учун ҳозирда кимёвий усул асосий ўрин эгаллаб турибди. Унга қарши 20 дан ортиқ кимёвий инсектицидлар тавсия этилган. Аммо, булардан айримларига амалий ишлатилади. Мисол учун, 2006 йил мавсумида Фарғона вилоятини тут парвонаси билан қириқилган вақтларда парвонага қарши, асосан, циперфенгин ва каратэдан фойдаланилган.

Илмий нуктаи назардан, парвона кучли тарқалган минтақаларда мавсум давмида 3 марта ишлов ўтказиш лозим. Биринчиси май ойининг охирида, тут новдалари кесиб олиб кетилганидан кейин амалга оширилади. Бунда циперфос, каратэ каби ҳаммабоп дорилар ишлатилиши, бир йўла тут парвонасининг эндиғина ривожлана бошлаган популяцияси ҳамда уватларда гўза ва бошқа экинларга ўтиш учун уя вазифасини ўтай-

диган ўғримчаккана, шира, трипслар ҳам кириб юборилади.

Иккинчи ишловни июль ойида (зараркунанданинг 3-4 авлодига қарши), учинчисини эса сентябрь-октябрь ойларида қишлоғга тайёрланаётган кўртларга қарши ўтказиш тавсия қилинади. Махсус тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, бу усулдан сўнг қишлоғга тайёрларлик кўраётган кўртларнинг 75-85 фоизи захарланиш натижасида ўлиб кетади.

Баҳорда ривожлана бошлаган тут парвонаси қалагагининг учинчи зичлиги (кўпчилигини аниқлаш учун феромон тутқичлардан фойдаланилса, курашни тўғри ташкил этишга катта ёрдам беради. Бунинг учун махсус ташкилотлар феромон тутқич жамланмаларига эга бўлиши шарт. Шунингдек, хашарот тарқалган ҳар бир вилоят қарамағидаги техник паркни қўшимча трактор пурақачилар билан таъминлаш, улардан асосан шу зараркунандага қарши кураш учун фойдаланиш керак.

Тут парвонасига қарши курашиш учун энг самарали инсектицидлар қаторига дельтамет, циперфос (нурел-Д), аваунтларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Кўрсатилган курашиш усулларининг барчасидан ўз вақтида, умули ва самарали фойдаланиш республикамизда тут парвонасининг тарқалиши ва у келтирадиган зарарларнинг олдини олиш имконини беради.

**Шомил ХўЖАЕВ, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири, профессор.**

оластис, – деди. – Ароқ бу тоза нарса. Узумнинг суви-да... Ҳаёт суви бу. Бусиз ҳаёт ҳаёт эмас. Мен тўртинчи айтаверман, аҳмоқ одамлар ичмайди...

Мен озгина ичдим. Раис қўлидаги пиёлани бўшатди-ю, газак қилар-қилмас столни айланиб, ёнимга келди: –Йўқ, йўқ, ука, бўлмади, қолдирмай оласиз. Сизга жанжал керакми, ичасиз, қани, ҳаммасини...

–Йўқ, мен бунчани ичолмайман, – дедим ёлбориб. –Узимга яна қуяман, мана, пиёланинг чизигига келтириб, тўлдириб бирга оламиз...

Хуллас, у кетма-кет роса ичди. ...Орадан 20 йил ўтди. Уша хўжаликка бордим. Ҳўжалик фермерлика ўтиб кетган. Номин кетган фермер дала шайпонига бошлади. Туш пайти эди. –Бугун кекса, таҷрибали пахтакорларни чақирганман. Маслаҳатлашганим...

Дастурхонлар ёзилган. Нуроний отахонлар ўтиришибди. Қарасам, тўрда Эшмўмин ака, сипо қийинган, атғида оқ желак, соқоли кўксиде. Шундай фариштали... Фермер тўрт ишча ароқ кўтариб келди. Эшмўмин бобо деди: –Э-э, фермержон, ароқни кўлингиз билан ушламанг, гундохига ботасиз. Ароқ шайтоннинг суви. Ароқни аҳмоқ одам ичанди...

Мен ҳам хурсанд бўлдим, ҳам ўйга толдим.

**М. Олломурад**



## "Сизнинг лақабингиз..."

Янги раҳбар Абдулхамид Ортиқов бир ҳафта завод билан танишди, ҳаммаёқни ўрганди. Лекин у бир нарсасга ҳайрон қолди. Ҳаммининг лақаби бор. Муҳандисни "арматура", дейишади. Ҳисобчининг лақаби - "контейнер", қоровул - "бойўғли", бўлим бошлигининг лақаби "Эркатой"...

Директор ўйлади: "Булар менга ҳам лақаб қўйиши аниқ. Тезгина бандароқ ишга кетишим керак. Лақаб дегани ёмон: бир умрга ёпишиб қолади, ҳеч қачон олиб ташлаб бўлмайди".

Орадан икки ой ўтди. Билдикли, лақабларни насослар бўйича ишлайдиган Акбар деган йигит топар қанар. У айтдики, бутун заводга, кейин шаҳарга, ҳатто, вилоятга тарқаб кетаверилади.

Ортиқов кабинетига Акбарни чақирди. Бир пиёла чай узатди. Ширин гапирди. – Акбаржон, шу, ҳаммининг лақабини сиз кўяр экансиз. Мабодео, менга лақаб қўйган бўлсангиз... Айтсангиз, – деди директор.

– Йўқ-йўқ, сизга лақаб қўйганим йўқ, – деди Акбар ерга қараб. – Тортинмай айтаверинг, бақирмайман, ишдан ҳайдамайман, ойлигинимиз кирмайман, сўз бераман...

– Йўқ-й-ў-қ... – деди Акбар безовталаниб. – Узим ҳам лақабини билмас яхши-да. – Шу... – қаловланди Акбар. – Айтинг, айтинг, – деди бошлиқ ўрнидан туриб Акбарнинг ёнига бораркан. Акбар унга бир зум тикилиб, деди: – Сизнинг лақабингиз узингиз билан... лақабингиз Лишнеев, Лишнеев-дал... Ортиқов котиб қолди...

## "Ароқни ушламанг..."

Бир дўстим шу воқеани айтиб берган эди. Бундан 20 йилча олдин Ўш вилоятининг оқсоқоли қишлоғига боргандик. Бизни раис Эшмўмин ака кўтиб олди. Далаларни айландик. Одамлар билан сўхбатлашдик.

Тушлик пайти дастурхонга ўтиришимиз билан раис пиёлаларни тўлдириб ароқ қўйди. Уша пайтда ҳам ароқ ичишга унча тобим йўқ эди. –Мен озгина ичман, – дедим. –Йўқ, бизда тўлдириб олинди, – гапимни бўлди Эшмўмин ака, – қани. Пиёлани индамай олдимга қўйдим.

–Биринчи "қўл"ни танишганимиз учун ичамиз... –Эшмўмин ака катта пиёлани бир томчи қолдирмай ичди. Мен озгина қўладим. Сал ўтиб, яна қуйишга тушди. Ичилмаганини кўриб, ранжиди. Яна устига қўйди. Бир кур қадаш сўз ҳам айтди-да: – Қани ука, энди қолдирмай оласиз, – деди. – Ароқ бу тоза нарса. Узумнинг суви-да... Ҳаёт суви бу. Бусиз ҳаёт ҳаёт эмас. Мен тўртинчи айтаверман, аҳмоқ одамлар ичмайди...

Мен озгина ичдим. Раис қўлидаги пиёлани бўшатди-ю, газак қилар-қилмас столни айланиб, ёнимга келди: –Йўқ, йўқ, ука, бўлмади, қолдирмай оласиз. Сизга жанжал керакми, ичасиз, қани, ҳаммасини...

–Йўқ, мен бунчани ичолмайман, – дедим ёлбориб. –Узимга яна қуяман, мана, пиёланинг чизигига келтириб, тўлдириб бирга оламиз...

Хуллас, у кетма-кет роса ичди. ...Орадан 20 йил ўтди. Уша хўжаликка бордим. Ҳўжалик фермерлика ўтиб кетган. Номин кетган фермер дала шайпонига бошлади. Туш пайти эди.

–Бугун кекса, таҷрибали пахтакорларни чақирганман. Маслаҳатлашганим...

Дастурхонлар ёзилган. Нуроний отахонлар ўтиришибди. Қарасам, тўрда Эшмўмин ака, сипо қийинган, атғида оқ желак, соқоли кўксиде. Шундай фариштали... Фермер тўрт ишча ароқ кўтариб келди. Эшмўмин бобо деди: –Э-э, фермержон, ароқни кўлингиз билан ушламанг, гундохига ботасиз. Ароқ шайтоннинг суви. Ароқни аҳмоқ одам ичанди...

Мен ҳам хурсанд бўлдим, ҳам ўйга толдим.

**М. Олломурад**

## "Темир хотин"да ўйнаган "актёр"

Бахтиёр ака сўзасмоқ киши. Гапниям қийиб ташлайди-да. Айниқса, ҳар қандай шароитда гап топиб бериши у кишини кўп кўл келади. Қишлоқ гурунлариде Бахтиёр ака ҳақида гап кетганда, ҳангома ҳар доим "Бир кўни Бахтиёр ака..." деб бошланади.

Бир кўни Бахтиёр ака бозор оралибди. Чиройли териб қўйилган олма-ларга ҳаваси қилиб, нархини сўрабди. –Килоси 500 сўмдан, – деди сотувчи. Ва, – сиз актёрсиз-а? – деб сўраб қолди.

–Ҳа, актёрман, – деди Бахтиёр ака бир шумлиқни ўйлаб. –Қайси кинода ўйнаган эдингиз, юзингиз танишқу, лекин кинони эслолмаяман, – деди сотувчи. –Агар олманч 300 сўмдан берсангиз, айтаман. Хуллас, қизикқон сотувчи Бахтиёр акага 10 килограмм олманч 300 сўмдан тортибди. Кетатуриб Бахтиёр ака: –"Темир хотин"да Бозоровой ролини ўйнаганман, – деб жавоб берибди.

Сотувчи анча вақт ўйлабди турибди-ю, "Эй, тўхтанг, тўхтанг, кинода Бозоровой кўринмайди-ю...", деганча қолаверибди. Бу вақтда Бахтиёр ака аллақачон одамлар оқимига шўнғиб кетган экан.

Бу воқеа Бахтиёр ака бўлган давра гурунларини қизитади. Дуствлари эса бирон жойда Бахтиёр акани таништириш керак бўлса, "Темир хотин"да Бозоровой ролини ўйнаган актёр", деб қўйишади.

**Анвар МУРОДОВ**

